

АЛЬТЕРНАТИВ СЎРОҚ ГАПЛАРДА БИСУБСТАНТИВАЦИЯ

БИСУБСТАНТИВАЦИЯ В АЛЬТЕРНАТИВНЫХ ОПРОСИТЕЛЬНЫХ ПРЕДЛОЖЕНИЯХ

BISUBSTANTIVATION IN ALTERNATIVE INTERROGATIVE SENTENCES

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6528949>

Абдупаттоев М.Т.

ФарДУ, филология фанлари доктори,

Абдурахмонов В.А.

ФарДУ, мустақил изланувчи.

Аннотация: Мақолада сўроқ гапларнинг бир тури ҳисобланган алтернатив сўроқ гапларнинг бисубстантив кўринишлари ҳақида маълумотлар берилиб, уларнинг умумий лингвистик тавсифи ёритилган.

Калит сўзлар: алтернатив сўроқ, бисубстантивация, предикативлик, предикатив ядро, модаллик, идентификация, семантик белги, семантик структура, синтактик эквивалент.

Аннотация: В данной статье приведены сведения о бисубстантивных формах альтернативных вопросительных предложений, являющихся разновидностью вопросительных местоимений, и дана их общеязыковая характеристика.

Ключевые слова: альтернативный вопрос, бисубстантивация, предикатив, предикативное ядро, модальность, идентификация, семантический признак, семантическая структура, синтаксический эквивалент.

Annotation: In this article it is provided information about the bisubstantive forms of alternative interrogative sentences, which are a type of interrogative sentences, and describes their general linguistic description.

Keywords: alternative interrogation, bisubstantivation, predicative, predicative nucleus, modality, identification, semantic sign, semantic structure, syntactic equivalent.

Алтернатив сўроқ гаплар сўзловчи томонидан тингловчига бир гап доирасида иккита савол беришига асосланади. Уларда кетма-кет берилган саволларнинг фақат биттасига жавоб берилади. Иккита савол тингловчи онгида муқобил тарзда сақланади, уларнинг фақат биттаси, яъни тингловчи томонидан танланган саволга жавоб қайтарилади. Тингловчи сўроқларнинг қайси бирига жавоб қайтарса ҳам сўзловчининг коммуникатив эҳтиёжи қаноатлантирилади. Битта жавобнинг ўзи берилган иккита сўроққа жавоб бўла олади. Алтернатив сўроқ гаплар кесимларнинг такрорланиши ва шу асосда алтернатив сўроқнинг ҳосил қилинишига асосланади, яъни, сўроқ мазмунига эга бўлган кесимлар такрори алтернатив сўроқ гапларни шакллантиради. Масалан: *Ҳозир кетасизми ёки кутиб турасизми?* каби.

Алтернатив сўроқ гапларнинг мазмуни аксарият ҳолларда маълум бир иш-ҳаракатлардан бирининг бажарилиши ёки бажарилмаслиги бўйича берилган сўроққа тегишли бўлади. Шунинг учун ҳам аксарият ҳолларда бундай гапларнинг кесими феъл туркумига оид сўзлар ёрдамида ифода этилади:

Бугун шу иш охирига етадимми, етмайдимми? (О.Ёқубов)

Бизникида тура-турсинми ё олиб кетасизми? (Ў.Ҳошимов)

Кўринадикки, юқоридаги гаплар феъл-кесимлар асосида шаклланган. Бу турдаги алтернатив сўроқ гапларнинг шаклланиши ҳозирги ўзбек тилида анчагина фаол бўлиб, олиб борилган статистик таҳлилларга кўра тадқиқ учун тортилган алтернатив сўроқ гапларнинг 82 фоизи феъл-кесимлар асосида шаклланган гапларни ташкил этади.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, алтернатив сўроқ гаплар феъл бўлмаган, яъни кесими феълдан бошқа сўз туркумлари билан ифодаланган ҳолатларда ҳам шаклланиши мумкин. Бундай ҳолатда улар бисубстантив

характерга эга бўлади, яъни, иккита феъл бўлмаган ва бир пайтнинг ўзида уюшган кесимлар асосида шаклланади.

“Биубстантив гап” атамаси биринчи марта рус тилшуноси Н.А. Герасименко томонидан қўлланган бўлиб, унинг фикрича, бисубстантив гаплар аслида иккита от туркумига оид сўзлар асосида шаклланган ва ҳар икки грамматик асоси феъл бўлмаган сўзлар билан ифодаланган гаплардир¹. Бисубстантив гаплар ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам фаол қўлланилади.

Бисубстантив гаплар грамматик аспект нуктаи назаридан қаралса, таркибида феъл бошқаруви (бу ўринда феъл-кесим назарда тутилмоқда) бўлмаган, предикатив ядроси бир хил типдаги иккита от туркуми муносабатидан ташкил топган, бир турдаги лексемалар билан ифодаланган гаплардир. Бундай гапларнинг асосий структур ва грамматик белгиси кесим позициясида келган бош келишиқдаги отнинг қўлланилиши ҳисобланади. Бош келишиқ шаклидаги от ёки унинг синтактик эквиваленти ҳисобланган олмош, отлашган сифат, отлашган равиш, отлашган сон ёки отлашган бошқа сўзларнинг қўлланиши бисубстантив гапларнинг мустақил шаклланиши учун имконият яратади.²

Бисубстантив гаплар учун хос бўлган асосий мазмуний грамматик белги, бу эга ва кесим муносабати асосида юзага чиқадиган идентифик семантик белги ҳисобланади. Идентифик семантик белги дейилганди, биз предикатив характерга эга бўлган узвий семантик алоқани тушунамиз. Икки чўққили назария бўйича бош бўлақларнинг бир хил туркумга оид сўзлар билан ифодаланиши (баъзан такрорланиши) бисубстантив гапларнинг специфик характеристикаси ҳисобланади. Масалан:

Оқ ит, қора ит – барибир ит. (Мақол)

Бу қишлоқнинг одамлари – миришкор. (Ё.Хўжамбердиев)

¹ Герасименко А.Н. Бисубстантивные предложения в русском языке: структура, семантика, функционирование. (Монография). Москва. Изд-во МГОУ, 2012 – С 291,

² Лекант, П. А. Синтаксис простого предложения в современном русском языке: Учеб. Пособие / П. А. Лекант. – М.: Высшая школа, 2004. – 247 с.

Мисоллардан англашилиб турганидек, иккита от туркумига оид сўзнинг ўзаро предикатив муносабатга кириши, яъни бисубстантивация асосида гап шаклланган. Юқоридаги мисоллар ҳозирги ўзбек адабий тилидаги бисубстантив гапларининг ёрқин намунаси ҳисобланади.

Алтернатив сўроқ гапларда ҳам бисубстантивация ҳодисаси кузатилади. Фақат алтернатив сўроқ гапларнинг семантик-структураси оддий (дарак) гаплардан бирмунча фарқланади. Бунинг сабаби шундаки, бундай гапларда от-кесимлар иккита ёки ундан ортиқ бўлади, лекин гап субъекти ҳисобланган эга билан битта предикатив муносабат ҳосил қилади. Алтернатив сўроқни ифодаловчи от-кесимлар уюшган ҳолда келади, бир хил грамматик формага эга ва эгага нисбатан бир хил синтактик позицияда бўлади. Шунинг учун ҳам улар эга билан битта бисубстантив предикатив муносабат ҳосил қилади. Масалан:

Номинг улуғмиди, улуғвормиди? (М.Юсуф)

Келтирилган мисолдан англашилиб турганидек, алтернатив сўроқ гапнинг муқобил сўроқларини ифода этиб келган *улуғмиди, улуғвормиди?* от-кесимлари фикр субъекти, яъни эга (*номинг*) билан бисубстантивлик ҳосил қилгани ҳолда, бисубстантив предикатив алоқага киришгани ва шу йўл билан бир пайтнинг ўзида ҳам гап ҳам алтернатив сўроқ ҳосил қилганини кузатишимиз мумкин.

Ҳозирги давр тилшунослигида структур синтаксис бўйича эришилган ютуқлар семантик синтаксис, функциональ ва когнитив грамматика, прагматикадаги янги тадқиқотлар билан уйғунлашган ҳолда гап ҳақидаги янги назариялар ва таснифлар билан бойиб бормоқда. Энди тадқиқотчилар диққати гапни баҳолаш ва таснифлашда икки томонлама ёндашув, яъни, шакл ва мазмун, структура ва семантика, мантиқ ва грамматика, гапнинг ифода плани ва мазмун планига қаратилмоқда. Шунинг учун ҳам замонавий тилшуносликда гапни баҳолашда бир қанча назарияларга таянган ҳолда, янги ва янги типологик ёндашувлар юзага келмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки мазкур ёндашувларнинг бири-иккинчисини инкор этмайди, аксинча,

улар бир-бирини тўлдиради ва гап деб аталган синтактик қурилмани ўз позицияси нуқтаи назаридан баҳолаш учун интилади. Мазкур фикрларни бисубстантив гаплар мисолида ҳам давом эттириш мумкин. Анъанавий синтаксисдаги икки бош бўлакли гап тушунчаси бисубстантив гаплар ҳақида янги фикрларни билдириш учун асос бўладиган таянч назария ҳисобланади³. Шунинг учун ҳам бисубстантив гаплар ҳақида фикр юритилганда, бош бўлақларнинг синтактик алоқаси ва уларнинг ифодаланиши бўйича мавжуд фикрларга таяниш мақсадга мувофиқ бўлади. Икки бош бўлакли содда гапнинг шаклланишида феъл ва феъл бўлмаган туркумларга оид сўзлар асос бўлиб хизмат қилади. Шунга асосланиб, тилшунослиқда гапларни феъл асосли ва от асосли гаплар тарзида тасниф қилиш оммалашган⁴. Демак, бисубстантив гаплар от туркумига оид сўзлар асосида шаклланган гаплар ҳисобланади.

Предикативлик тушунчаси ва у билан боғлиқ предикатив муносабат, предикация атамалари синтактик тадқиқотларнинг марказий объекти саналади. Мазкур тушунча асосида синтактик системанинг барча элементлари, шунингдек, гапнинг асосий синтактик бирлик сифатидаги предикатив белгилари умумлашади. Шунинг учун ҳам гапнинг у ёки бу турини ўрганишда предикатив белги ўз ичига нималарни қамраб олишига алоҳида диққат қаратиш лозим бўлади. Объектив олам ва ижтимоий борлик инсон онгида бир бутун, умумлашган ҳолда акс этади. Ана шу тасаввурлар ва киши кўз ўнгида юзага келадиган воқеа-ҳодисалар ифодаси тил воситасида реаллашади. Мазкур жараёнда синтаксиснинг марказий объекти ҳисобланган гап шаклланади ва сўзловчи фикрини тингловчига етказишда асосий бирлик сифатида алоҳида ўрин тутади, чунки инсон ўз фикрини алоҳида олинган сўзлар билан эмас, гап орқали ифода этади. Предикативлик дейилганда, гапга хос ана шундай белгиларнинг барчаси тушунилади. Анъанавий тушуниш ва изоҳлашда, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, кесимлардаги шахс-сон

³ Лекант П.А. Грамматические категории слова и предложения. М., 2007, - С 27.

⁴ Тожиев О. Ўзбек тилида от предикатли гапларнинг синтактик ва мазмуний тузилиши. Номз. дисс. автореф., Тошкент., 1995, . – Б 22.

формаси, замон, майл, модаллик категорияларининг барчаси предикативлик тушунчаси ичида реаллашиши кўрсатиб ўтилади. Демак, бу ўринда кесимларнинг ифода асоси ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Гапларни феъл асосли ва от асосли гаплар тарзида гуруҳлаш замирида кесимларнинг ифодаланиши – қайси сўз туркумига мансублиги назарда тутилади. Бисубстантив гаплар ҳам гапга нисбатан мана шу ёндашув ҳосиласидир.

Мазкур фикрларни бисубстантив характердаги алтернатив сўроқ гаплар мисолида ҳам давом эттириш мумкин. Уларда ҳам предикатив асосни ташкил этувчи от+от муносабати ўзига хос семантик ва функционал-коммуникатив белгиларга эга бўлиши кузатилади:

Ҳаммани ўзига қаратган бу хилқат инсон боласими ё фариштами?
(Т.Малик)

Юқоридаги бисубстантив муносабат асосида шаклланган алтернатив сўроқ гап фикр субъекти ва унинг предикатив белгисини ифода этишда от туркумига оид сўзларнинг ўзаро муносабати асосида тузилган ҳолда, гапнинг ўзига хос яна бир кўриниши семантик, функционал-коммуникатив ва стилистик жиҳатдан ҳиссий-таъсирийликни ифода этиш учун қўлланилганлигини кузатишимиз мумкин.

Айтиб ўтилганидек, бисубстантив гаплар предикатив ядроси от туркуми асосида шаклланган гаплардир. Алтернатив сўроқ гаплар бисубстантивлик асосида шаклланганда уларда ўзига хос синтактик хусусиятлар, семантик муносабатларнинг янгича қирралари юзага келади. Уларни ўрганиш она тилимизда фикр ифода этишнинг янги имкониятларини ўрганиш учун хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Абдупаттоев М.Т Ўзбек тилининг поэтик синтаксиси.(Монография) Фарғона. “Слассик” 2021, 133-137 бетлар
2. Абдупаттоев М.Т. Ўзбек матнида суперсинтактик бутунликлар. НДА. – Т., 1998.
3. Солодовая Е.С. Лингвокогнитивные характеристики композиции текста английских сказок Дж. К. Роулинг. Авторф. дисс. канд. филолог. наук. Харьков. 2008, 24-стр.
4. Золотова Г. Л., Онипенко Н. К., Сидорова М. Ю. Коммуникативная грамматика русского языка. М., 1998. 74-стр.
5. Abdupattoev, M. T. (2022). Syntactic Composition of Poetic Speech. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE*, 3(4), 30-35.
6. Абдупаттоев, М. Т. (1998). Ўзбек матнида суперсинтактик бутунликлар. *Номзодлик диссертацияси автореферати*.